Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

2016-yil
12-aprel,
seshanba
№ 44
(3705)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Амир Темур таваллудининг 680 йиллиги

## Халқимиз даҳосининг буюк тимсоли

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Амир Темурнинг номи, бой мероси тикланди. 1996 йил мамлакатимизда Амир Темур йили, деб эълон қилинди, Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабзда муҳташам ҳайкаллари қад ростлади. Улуғ бобомиз шарафига орден таъсис этилди. 2011 йили давлатимиз раҳбари сўзбошиси билан «Темур тузуклари» мукаммал ҳолда, юксак сифат билан янгидан чоп этилди.**








Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.

Бу йил улуғ бобокалонимизнинг 680 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Анъанага кўра 9 апрел куни пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбонида Соҳибқирон таваллуди куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, депутатлар, ҳукумат аъзолари, ёзувчи ва шоирлар, олимлар, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди раиси Нозим Ҳабибуллаев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али, юридик фанлар доктори, профессор Акмал Саидов, Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жак-Анри Ольс ва бошқалар Амир Темур шахси, буюк хизматлари, жаҳон тарихидаги ўрни қадр топгани, Соҳибқирон сиймоси Ўзбекистон шаън-шавкати тимсолига айланганини таъкидлади. Бу халқимизни улуғ мақсадларга сафарбар этиш, ёшлар маънавиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Амир Темур мероси шижоат, мардлик ва адолат тимсоли сифатида юксак қадр ва эъзозга лойиқ. Соҳибқирон ўз даврининг энг қудратли давлати асосчиси, илм-фан, маданият ва маънавият ҳомийси, дунё цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган буюк бунёдкордир.

Мамлакатимизда миллий давлатчиликни шакллантириш, фарзандларимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш, ёшларни жисмонан, ақлан ва маънан юксалтириш борасидаги барча ислоҳотлар Амир Темур бобомизнинг дунёқараши ва тутумларига моҳиятан уйғун. Зотан, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Амир Темурни англаш — ўзлигимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш — тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизни, ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир.

Улуғ аждодимиз ўз тузукларида «...амр этдимки, кимки бирон саҳрони обод қилса ёки кориз қурса, ё бирон боғ кўкартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нима олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили (олиқ-солиқ) қонун-қоидасига мувофиқ хирож йиғсинлар», деб ёзади. Бугун мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳити яратилиб, тадбиркорларга кенг имтиёзлар берилаётгани Соҳибқирон тутуми авлодлари томонидан ҳаётга жорий этилаётганининг ёрқин ифодасидир.

Халққа доим меҳр-мурувватли бўлган Амир Темур адолат ва ҳақиқат учун курашган, салтанатни ҳам ана шу мустаҳкам асосга қурган.

Амир Темур даврида фуқародан бирининг уй-имората бузилиб, тузатишга қурби етмаса, дарҳол керакли ускуналар етказилиб, ёрдам берилган. Бугун мамлакатимизда кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш, истеъмол кредитлари ажратиш кенг йўлга қўйилган. Бу билан қанчадан-қанча рўзғорлар бутланиб, халқимиз турмуш маданияти, дунёқараши ва диди юксалмоқда.

↘(2).

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан

*Самарқандда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди.*

## Озод юртнинг бахтиёр ёшлари

Тадбирлар Самарқанд шаҳар Ёшлар марказида матбуот анжумани билан бошланди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф.Муҳаммаджонова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари И.Мирзаалиев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида жисмонан ва маънан баркамол, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни камолга етказиш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Ушбу ҳужжатда белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб ташкил этилган ва анъанавийлик касб этаётган мазкур фестиваль ёшларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотлар, демократик ўзгаришлар билан яқиндан таништириш, уларда бу жараёнларга нисбатан дахлдорлик туйғусини кучайтириш, навқирон авлодни ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, «оммавий маданият» ва бошқа турли иллатлар таъсиридан асрашга хизмат қилмоқда.

Фестиваль доирасида вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидаги таълим муассасалари, маҳаллалар, ҳарбий қисмлар, маданият ва истироҳат боғлари, аҳоли дам олиш масканларида ёшларнинг дунёқараши, маънавий камолотига хизмат қилувчи 20 га яқин лойиҳа амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари, таниқли ёзувчи ва шоирлар, маънавият тарғиботчилари, театр ва кино актёрлари, халқаро танловлар, фан олимпиадалари, спорт мусобақалари ғолиблари иштирокида учрашувлар, давра суҳбатлари, китоб фестиваллари ўтказилди. Кинотеатрларда миллий кинофильм ва спектакллар намойиш этилди.

Жомбой туманидаги 10-болалар мусиқа ва санъат мактабида ташкил этилган «Сиз севган қаҳрамонлар» лойиҳаси доирасида ўқувчи-ёшлар таниқли шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар билан учрашди. Уларнинг маҳорат сабоқлари, концерт дастурларидан баҳраманд бўлди.

Булунғур педагогика ва спорт коллежи, 1-умумтаълим мактаби ҳамда 9-мусиқа ва санъат мактабида ўтказилган «Бу менинг Ватаним», «Камолот» кутубхонаси» тадбирлари ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат, ўзи туғилиб ўсган юртдан ифтихор туйғуларини янада юксалтирди.

— Таниқли олимлар, санъаткорларнинг келиши биз, ёшлар учун жуда қувончли воқеа бўлди, — дейди Булунғур педагогика ва спорт коллежи ўқувчиси Зариф Темиров. – Айниқса, биз кимларнинг авлоди эканимиз ва уларга муносиб ворис бўлиб камолга етишимиз учун олдимизда турган вазифалар ҳақида айтилган фикрлардан жуда таъсирландим. Бу мен каби ёшларнинг келажак фаолиятида, жамиятда ўз ўрнини топишида асқотиши шубҳасиз.

Тайлоқ тумани ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмда «Ўзбекистонга хизмат қиламан!» лойиҳаси доирасида ўтган тадбирда аскарларнинг кўргазмали чиқишлари ёшлар қалбида мардлик, юрт ҳимоясидек муқаддас бурчга садоқат, меҳр туйғуларини илҳомлантирган бўлса, Ургут иқтисодиёт, спорт ва хизмат кўрсатиш, агросаноат ва сервис касб-ҳунар коллежларида ўтказилган «Одам савдоси — давр муаммоси», «Диний экстремизм ва терроризм — ёшлар келажагига таҳдид» лойиҳалари ўқувчиларнинг «оммавий маданият» ва бошқа турли иллатлар ҳақидаги тасаввурларини янада бойитди, огоҳликка даъват этди.

— Тенгдошларимнинг халқаро танловлардаги муваффақиятларини кўриб, уларга ҳавас қиламан, — дейди Ургут иқтисодиёт коллежи ўқувчиси Диана Васипова. — Бугун мамлакатимизда биз, ёшларнинг билим ва касб-ҳунар ўрганишимиз, истеъдод ва салоҳиятимизни намоён этишимиз учун барча шароит мавжуд. Ўзим ҳам мана шундай имкониятлардан фойдаланган ҳолда хорижий тилларни пухта ўрганишга ҳаракат қиляпман. Яқинда ўтказилган фан олимпиадаларининг вилоят босқичида рус тилидан учинчи ўринни эгалладим.

Фестиваль доирасида Пайариқ, Пастдарғом, Ургут туманларидаги амфитеатрларда концерт дастурлари, Пахтачи туманидаги марказий стадионда футбол-шоу томошалари ўтказилди.

Бундан ташқари, меҳнат фахрийлари ва ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиш, уларнинг уй юмушларига кўмаклашиш учун ишлаб чиқилган «Нуронийлар эъзозимизда» лойиҳаси, «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида ўтказилаётган «Виждонли сотувчи» акциялари ҳам ёшларга манзур бўлди. Самарқандлик ёшларнинг ташаббуси билан «25» акцияси ўтказилиб, ёшларнинг ижод намуналари, вилоятда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва ашёларда ушбу рақам ифодаланади. Фестиваль Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига тўғри келиши муносабати билан «Темур тузуклари» асари вилоятнинг машҳур шахслари, маданият ва санъат арбоблари томонидан мутолаа қилиниб, медиа-тўплам шаклида ёшларга тарқатилди.

Самарқанд шаҳридаги «Динамо» стадионида фестивалнинг якуний гала-концерти чоғида тадбирларда фаол қатнашганлар турли номинациялар бўйича «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ва Самарқанд вилояти ҳокимлигининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими З.Мирзаев сўзга чиқди.

**Ғ.ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири**

Халқаро ҳамкорлик

**Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда Россия кимё саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси («Росхимпрофсоюз») билан тузилган Дўстлик ва ҳамкорлик келишуви доирасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ўқув марказида «Росхимпрофсоюз»нинг Санкт-Петербург шаҳри ва Ленинград вилояти бўйича ҳудудий ташкилоти вакиллари, тармоқ касаба уюшма фаоллари учрашуви бўлиб ўтди.**

## Ўзаро манфаатли мулоқот

Маълумот учун шуни қайд этиш лозимки, «Росхимпрофсоюз» ўз таркибида 33 та ҳудудий, 500 га яқин бошланғич касаба уюшма ташкилотида жами 250 мингга яқин аъзони бирлаштиради. Мазкур ташкилот ўзининг узоқ ва бой тарихига эга. 1918 йил декабр ойида Россия кимё саноати тармоқлари ходимларининг уюшмасига асос солинган. 1990 йилнинг 30 сентябрида тармоқ касаба уюшмаси I конференциясида Россия кимё саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмасини ташкил этиш тўғрисида Декларация қабул қилинган.

— «Росхимпрофсоюз»нинг Санкт-Петербург шаҳри ва Ленинград вилояти бўйича ҳудудий ташкилоти ҳозирда 31 та бошланғич ташкилот таркибида 16747 нафар аъзони қамраб олган. Кимё саноати тармоқларига қарашли корхона ва ташкилотлар асосан йирик компаниялар ва хусусий мулк эгаларига қарашли. Мазкур корхоналарда ишлаётган ходимларнинг 60 фоизга яқини касаба уюшма аъзолари ҳисобланади, — дейди «Росхимпрофсоюз»нинг Санкт-Петербург шаҳри ва Ленинград вилояти бўйича ҳудудий ташкилоти раиси Александр Парамонов. — Ўзбекистонга илк бор келишим. Таассуротларим бир олам.

Беш кун давом этадиган ташриф доирасида меҳмонларнинг «Навоийазот» ҳамда «Максам-Чирчиқ» АЖ ҳамда Самарқанд вилоятидаги бошланғич касаба уюшма ташкилотларига ташрифи режалаштирилган.

— Мазкур учрашув ҳамкорлик доирасидаги биринчи тадбир эмас. Бундан ярим йил муқаддам ўзаро тажриба алмашиш мақсадида Кимё ва фармацевтика саноати ходимларидан иборат делегацияси Санкт-Петербург шаҳри ва Ленинград вилоятида бўлишган эди, — дейди тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Мавжуда Халилова. — Сафар давомида у ерда касаба уюшма фаоллари билан давра суҳбати уюштирилганди. Ўшанда Ўзбекистон кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмасининг ташкил этилиши, таркибий тузилиши ва фаолияти тўғрисидаги маълумотлар барчада катта қизиқиш уйғотган эди.

↘(2).

Кучли фуқаролик жамияти сари

## Мен ҳам сайловда иштирок этаман

**Маънавият-маърифат маскани бўлган маҳалла қадриятлар бешиги, тарбия ўчоғи ҳамдир. У ривожланса, турмуш фаровон бўлади. Мўъжаз ватан ҳисобланган маҳалла етакчилигига шу юрт, шу эл, деб елиб-югурадиган инсон сайланса, кўзланган мақсадга, албатта, эришилади. Буни яхши англаган Юнусобод туманидаги Абулқосим Фирдавсий номидаги маҳалла аҳли айни кунларда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловига ўта масъулият билан ёндашмоқда.**

Маҳаллада бу жараёнга қизғин ҳозирлик кўрилган бўлиб, сайловни ташкил этиш ва ўтказишни йўлга қўйиш учун ишчи гуруҳ тузилган. Ҳар бир кўча ва кўп қаватли уйлардан вакиллар ажратилган. Хонадонларда сайловолди тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилаяпти.

Тумандаги намунали фуқаролар йиғинларидан бўлган ушбу маҳаллада 5100 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Шундан 3000 минг нафардан ортиғи сайловда қатнашади. Илк бор сайловда иштирок этаётганлар алоҳида эътиборда. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқувчи-ёшлар билан кўплаб учрашувлар ўтказилиб, муносиб номзодларга овоз бериш ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилаётир.

— Бу йилги сайловда мен ҳам қатнашаман, — дейди Шерзод Мирпўлатов. — Бўлиб ўтаётган учрашувлардан шуни билдимки, мен муносиб номзодга овоз бериш орқали маҳалламиз ривожига муносиб ҳисса қўшаман.

**Салим АБДУРАҲМОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**



Ижтимоий фикр:
**Ўзбекистон мустаҳкам ва ишончли банк тизимига эга**
>> 3



**«Ақлли» велосипед**
>> 4

Ishonch 2016-yil 12-aprel, seshanba, № 44 (3705)

Истиқлол берган имкон

# Янги иш ўринлари

*«Китоб ип-йигирув» акциядорлик жамиятида 200 нафарга яқин ходим меҳнат қилади. Қувонарлиси, корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда.*



2013 йилда корхонанинг тикувчилик цехига 100 та «Sunsir» тикув машинаси келтирилиб, 70 нафар хотин-қиз иш билан таъминланганди. 2015 йилда олиб борилган бунёдкорлик-таъмирлаш ишлари туфайли ип-калава цехи ҳам янгича қиёфага кирди. Ишчиларнинг ишлаш ва дам олиш шароити яхшиланди. Германиянинг «Трюштлер» фирмасидан ип-йигирув дастгоҳлари келтирилиб, 120 та янги иш ўрни яратилди. Ишловчиларнинг 70 фоизини касб-ҳунар коллежини тугатган ёшлар ташкил этади.

— Китоб маиший касб-ҳунар коллежини тамомлаганман, — деди биз билан суҳбатда ип-йигирув дастгоҳи оператори Райҳон Дўстметова. — 2015 йилда ушбу корхонага ишга қабул қилиндим. Яккабоғдаги текстил фабрикасида бир ой давомида иш ўргандик. Қолаверса, Германиядан келган мутахассислар янги дастгоҳларни ўрнатиб, уларни ишлатиш бўйича сабоқ беришди. Айни пайтда замонавий ип-йигирув дастгоҳида калава ип тайёрланяпти. Маҳсулотларнинг 80 фоизи хорижга экспорт қилинади.



— Цех бошлиғи Раҳмон ака Соипов тажрибали, ўз касбини севадиган усталардан, — деди тароқ дастгоҳи оператори Нигора Шокирова. — Қолаверса, АЖ бошқаруви раиси ҳам соҳанинг билимдони. Улардан кўп нарса ўрганиш мумкин. Энг муҳими, корхонамиз салоҳияти юқори. Бир ойда 200 тонна калава ип ишлаб чиқарилади. Яқин келажакда тўқув ва бўёқ цехларининг ҳам янгидан жиҳозланиб, иш бошлаши кутилмоқда. Бу эса пахта толасидан тайёр маҳсулотгача бўлган бир неча босқичли жараёнларни корхонанинг ўзида амалга ошириш имконини беради.

— Уч йилдан буён тикувчилик цехида фаолият юритаман, — дейди тикувчилик цехи иш юритувчиси Дилфуза Ражабова. — Тажрибали чеварлар билим ва малакасини ёшларга ўргатиб келишмоқда. Корхонамиз ўз спорт майдончаларига эга. Ишдан бўш вақтларда шуғулланиб, турли мусобақалар ўтказамиз.

Хуллас, ким билан суҳбатлашмайлик, ўз иши, корхонаси ҳақида ижобий фикрларни эшитдик, шундай ажойиб иш шароитларида меҳнат қилаётганидан мамнунлигига гувоҳ бўлдик.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Касаба уюшма ҳаёти

# Тармоқ келишувлари асосида

**Ходимлар манфаатини таъминлашда Бош келишув ҳамда ҳудудий, тармоқ келишувлари муҳим аҳамият касб этаётир. Фаолият кўлами тобора кенгайиб бораётганини Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшма ташкилотлари фаолияти ҳам тасдиқлаб турибди.**

Айтиш мумкинки, тармоқ келишуви ва жамоа шартномаларида меҳнат қонунчилигига оид томонларнинг мажбурияти, бандлик, меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат муҳофазаси, ижтимоий имтиёзлар, маданий-маърифий, соғломлаштириш каби йўналишлар бўйича томонларнинг мажбуриятлари доимий эътиборимизда. Бош келишув асосида қабул қилинган тармоқ келишувларига қатор долзарб масалалар юзасидан аниқ меъёрлар киритилган.

Касаначилик фаолияти билан машғул бўлганларни касаба уюшма аъзолигига қабул қилиш ва улар манфаатини ҳимоялаш, кўп болали эҳтиёжманд, имконияти чекланган болаларни тарбиялаётган оилаларга, уруш ва меҳнат фахрийларига моддий ёрдам кўрсатиш, касаба уюшма вакилларини корхона ва идораларнинг ҳайъат ёки бошқарув органлари таркибига киритиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун қулай шароитлар яратиш ҳамда жамоада ходимлар гимнастикасини жорий этиш кабилар шулар жумласидан.

Ўтган йилда ушбу вазифалар ижроси, Сурхондарё вилоятидаги тармоқ шаҳар, туман кенгашлари ҳамда бошланғич ташкилотлар фаолияти ўзагига айланди. Жумладан, хусусий сектор корхоналарида норасмий бандликни чеклаш, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш мақсадида тармоқ Республика кенгаши томонидан «Оилавий тадбиркорлик — замон талаби» мавзусида кўплаб семинарлар ташкил этилди. Ўтган йил 329 та кичик бизнес субъектида ишлаётган 1853 нафар ходим аъзоликка қабул қилиниб, ижтимоий ҳимояси таъминланди. Шунингдек, вилоят кесимида аъзоликка жалб этилмаган корхоналар рўйхати шакллантирилиб, уларда ҳам касаба уюшмаларини тузиш борасида тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилди.

Тармоқ касаба уюшмаларининг норасмий бандликни чеклаш бўйича белгиланган чора-тадбирлар дастурига кўра, мониторинг асосида норасмий меҳнатнинг тармоққа тегишли соҳалари бўйича иш билан банд ходимлар аниқланиб, олиб борилган ташкилий ишлар самараси ўлароқ меҳнат дафтарчалари расмийлаштирилаётгани эътиборга молик.

Тизимдаги касб-ҳунар коллежларида хўжалик ташкилотлари ҳамда касаба уюшмалари ҳамкорлигида давра суҳбати, ўқув-семинарлар мунтазам ўтказилмоқда. Коллеж битирувчилари ишга кирганидан сўнг меҳнат шартномаларини тузиш, меҳнат дафтарчаларини юритиш, аъзолик афзалликлари борасида тушунтириш ишлари олиб борилаётир. Шунингдек, Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида акс этган имтиёзлар тарғиботига алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Келажагимиз эгалари — ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишига интилишини қўллаб-қувватлаш, иқтидор эгаларини рағбатлантириш, Ватан туйғуси ва юртимиздаги ўзгариш ва янгиликларга дахлдорлик ҳиссини ошириш масалалари ҳам устувор вазифаларимиздан. Шу мақсадда тизимда «Йилнинг энг ёш мутахассиси», «Энг фаол ёш тадбиркор» кўрик-танловлари ўтказиб келинаётир. Узун туманидан «Кавсар мадад» хусусий фирмаси раҳбари, иқтидорли тадбиркор Зуҳриддин Бегов ушбу танловнинг республика босқичида иштирок этиб, совриндор бўлгани барчамизга мамнуният бахш этди.

«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурига асосан йил давомида 29 нафар нуронийга озиқ-овқат маҳсулотлари олиб берилди. Коммунал хизмат ҳамда уй-жойларини таъмирлашга кўмаклашилди. Тармоқда ишлаб нафақага чиққан 5 нафар фахрий имтиёзли равишда мамлакатимизнинг турли сиҳатгоҳларида соғлигини тиклади. 26 нафар нафақа ёшига етган ходимга пенсияга чиқишдан олдин бир марталик моддий ёрдам берилди. Тармоқ тизимида ишлаб нафақага чиққан бир гуруҳ кексалар билан Термиз шаҳри ва туманларда давра суҳбатлари уюштирилди.

Бошланғич ташкилот мавқеи меҳнат муҳофазасига бўлган алоҳида эътибор туфайли ҳам ошиб бормоқда. Иш жойларида жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилиб, касаба уюшма ташкилотларига етказилмоқда. Қабул қилинаётган жамоа шартномаларини меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича зарур бандлар билан бойитиш ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ўтказилаётган ўқув-семинарларнинг асосий мавзуси бўлмоқда.

Бандликни таъминлаш, ёшлар, айниқса, коллеж битирувчилари учун янги иш ўринлари яратиш ижтимоий ҳимояда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Тармоқ ташкилотлари томонидан 36 та корхонада яратилган 168 та иш ўрни мониторинг қилинди. Коллежларда таълим олаётган фарзандларимизнинг амалиёт ўташини ташкил этиш, битирувчиларни ишга жойлаштиришга кўмаклашишга ҳар қачонгидан жиддий ёндашилмоқда. Йил давомида коллежларни битирган 7400 нафардан ортиқ йигит-қиз иш билан таъминланган.

Бошланғич касаба уюшмалари томонидан ташкилотларда уюштирилаётган «Маънавият соатлари»да озод ва обод Ватанимизга меҳр-муҳаббат, тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиш, қадриятларимизни улуғлаш каби мавзуларга урғу берилаётир.

Соғлом она ва бола йили муносабати билан масъулият ҳисси янада ортди. Дарҳақиқат, аёлларимиз бир қўлида бешик, бир қўлида дунёни тебратиб, барча соҳада фидойилик намунасини кўрсатишмоқда. Бугуннинг аёли билими, иқтидори ва ўзгача шижоати билан барчага ибрат. Буни бизнинг соҳада ҳам яққол кўриш мумкин. Тармоқ касаба уюшмалари тизимида 3179 нафар аёл фаолият кўрсатиб келаётган бўлса, касб-ҳунар коллежларида таълим-тарбия олаётган қизлар 12276 нафарни ташкил этади.

Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари қошида тузилган хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари фаолиятини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, корхона, ташкилот ва муассасаларда ишловчи аёлларга муносиб ва хавфсиз меҳнат шароити яратилиши устидан жамоатчилик назоратини янада кучайтириш ниятидамиз.

**Абдуҳамид ҚЎЗИМУРОДОВ,**
**тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Сурхондарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси**

# Халқимиз даҳосининг буюк тимсоли

**(1).**

Бу борадаги ислоҳотлар Соғлом она ва бола йилида янада кенгаймоқда. Соғлом ва мустаҳкам оила қуриш, меҳнат билан турмушини обод этиш, фарзандларининг ёруғ келажагини таъминлаш юртдошларимизнинг олий мақсадига айланган.

Маросимда шоир Сирожиддин Раупов «Соҳибқироним» шеърини ўқиб берди. «Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига — 680 минг қадам» шиори остида Шаҳрисабздан Тошкентга қадар пиёда келган 65 ёшли ҳаваскор спортчи Абдужаббор Холбоев Соҳибқирон руҳи унга маънавий куч бағишлагани ҳақида сўзлади.

Ёшлар Амир Темур бобомизнинг ибратли ҳаёти, адолатпарварликка йўғрилган фаолияти ҳақида дунё олимлари томонидан билдирилган фикрларни ўзбек, инглиз, рус, француз, япон ва бошқа тилларда ўқиб берди.

Тадбир қатнашчилари Амир Темур ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

***

Шу куни Темурийлар тарихи давлат музейида «Амир Темур ва темурийлар давридаги илм-фан ва маданият ривожининг жаҳон тамаддунидаги ўрни» мавзуида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда темурийлар тарихига оид энг яхши тасвирий ва публицистик асарлар танлови ғолиблари тақдирланди.

Темурийларга оид дурдоналар, нодир қўлёзмалар, истиқлол йилларида Амир Темур ва темурийлар тарихи ҳақидаги китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига бағишланган тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда бўлиб ўтди.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

Ўқув-семинар

# Расмий меҳнат афзалликлари

**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда Республика савдо-саноат палатаси ўртасида қабул қилинган тармоқ келишувлари ижросини таъминлаш доирасида Бухоро шаҳридаги енгил саноат ва педагогика касб-ҳунар коллежида тадбир ўтказилди. Коллеж битирувчилари, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги ахборот-маслаҳат маркази Бухоро вилояти бўлими, АТ «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Тўқимачилик филиали кредит бўлими, ҳунармандлар ва кичик бизнес субъектлари вакиллари иштирок этган ўқув-семинарда расмий меҳнатнинг афзалликлари, қонунчиликда коллеж битирувчиларига белгиланган имтиёзлар ҳақида сўз борди.**

— Мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат натижасида бир қанча қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилдики, бу орқали ёшларга, коллеж битирувчиларига қаратилган имтиёз ва енгилликлар бир мунча ортди, — деди тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Жаҳонгир Нуруллаев. — Иқтисодиётимизнинг муҳим соҳаси саналган кичик бизнесни ривожлантиришда хусусий тадбиркорлик, оилавий корхоналар, ҳунармандчиликнинг кафолатлари ва эркинликларини таъминлашга эътибор тобора ошириляпти. Ўзбек халқининг бой тарихий анъаналаридан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни қабул килиниши бунинг яққол мисолидир. Ушбу қонун янги иш ўринлари барпо этилиши, аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлашнинг ҳуқуқий базасини яратди. Ходимлар билан иш берувчилар ўртасида тузиладиган жамоа шартномалари тўғрисида ва уларнинг бандларидаги имтиёз, кафолатлар, ёш ходимларга ажратиладиган моддий ёрдамлар ҳар томонлама қулай ва манфаатлидир.

Кун тартибидаги масала юзасидан Республика давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги ахборот-маслаҳат марказининг вилоят бўлими бошлиғи Аҳмад Ёдгоров, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Тўқимачилик филиали кредит бўлими мутахассиси Хуршид Норқулов, Республика савдо-саноат палатаси Бухоро шаҳар бўлими бошлиғи Карим Тошев норасмий меҳнатнинг олдини олиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда амалдаги қонунларнинг афзалликлари, бу борадаги янгиликлар хусусида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ўқув-семинар қизғин савол-жавоблар асосида ўтди.

**Азизжон ШАМСИЕВ,**
**тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши раиси**

# Ўзаро манфаатли мулоқот

**(1).**

Ўқув марказидаги учрашув давомида тармоқ касаба уюшма вакилларининг чиқиши бўлиб ўтди. Қайд этилганидек, иш берувчилар билан ижтимоий шериклик асосида ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш ҳамда амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган меъёр ва талабларни жамоа шартномалари орқали амалиётга жорий этиш борасида сезиларли ишлар қилинган. Амалдаги келишув ва жамоа шартномаларида қонун ҳужжатларида назарда тутилган тармоқ бўйича энг кам ва ўртача иш ҳақи, устамалар, компенсация тарзидаги рағбатлантирувчи тўловларнинг турлари ва уларнинг миқдори, йиллик асосий ва қўшимча таътил муддати каби масалалар белгилаб қўйилгани соҳа ходимлари ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини кучайтирувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида юртимизда шаклланган азалий қадриятлар мазмун-моҳиятини, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, турли акциялар ўтказиш орқали эҳтиёжманд фуқаролар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш йўналишидаги фаолият ҳам тизимли равишда олиб борилди.

Тадбирда икки мамлакат турдош касаба уюшма ташкилотлари ўртасида Дўстлик ва ҳамкорлик келишуви қабул қилингани ва мазкур келишув доирасида ижобий саъй-ҳаракатлар бошлангани касаба уюшма фаоллари томонидан юқори баҳоланди. Келишув доирасида ҳамкорликни янада кучайтириш тўғрисида фикрлар билдирилди.

**Ўз мухбиримиз**

Жамоа шартномаси муҳокамада

# Ходимлар муҳофазаси — бош мезон

**«Sirdaryo IES» акционерлик жамиятида 2014 — 2016 йиллар учун қабул қилинган жамоа шартномасининг 2015 йилда бажарилишига оид конференция бўлиб ўтди. Унда иш берувчи номидан ишлаб чиқариш бўйича директор Рустам Мирзаев ҳамда бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси С.Ярибековнинг ҳисоботи тингланди.**

2557 нафар ходим ишлаётган жамиятда ўтган йилда ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоя қилиш, бандлик, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, ходимлар саломатлиги ва меҳнат муҳофазасини таъминлаш каби устувор йўналишларга тўлиқ амал қилинди.

Жамоа шартномасига ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин касаба уюшма қўмитасининг розилигини олиш талаби киритилиб, ходимларга узайтирилган асосий ва қўшимча таътиллар ўрнатилган тартибда берилаётир. Шунингдек, «Иш берувчининг айби билан ходимга ҳақ тўлаш муддатларига нисбатан кечикканлиги учун жавобгарлик», «Иш берувчининг ташаббуси билан ходимни бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси 60 кундан ортмаслиги», «Халқаро меҳнат ташкилотининг 138- ва 182-Конвенциялари юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш» каби бандлар бўйича касаба уюшма қўмитаси томонидан тегишли равишда жамоатчилик назорати йўлга қўйилган. Меҳнат муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилиб, 226 та иш ўрни шаҳодатдан ўтказилди. Ёш мутахассис кадрларни молиявий қўллаб-қувватлаш, қишлоқ жойларда қурилаётган намунавий уй-жойлар билан таъминлаш мақсадида 20 нафар ходимга иш берувчининг маблағи ҳисобидан узоқ муддатли фоизсиз ссудалар берилди.

Жамоа шартномасига асосан акционерлик жамияти маблағи ҳисобидан 137 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари «Ўзбекэнерго» АК ва касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда соғломлаштирилди.

Конференция савол-жавобга бой тарзда ўтди.

**Озода МАМАДАЛИЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

**Бугунги кунда Ўзбекистон ҳар томонлама тараққий этаяпти. Юртимиз Жаҳон иқтисодий форумининг рейтинг натижаларига кўра, дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта давлат қаторидан жой олгани, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети ўтказган ижтимоий тадқиқотлар асосида эълон қилинган «Бутунжаҳон бахт индекси»да 158 та мамлакат ўртасида қирқ тўртинчи поғонани, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида эса биринчи ўринни эгаллагани бунинг яққол тасдиғидир.**

**Шунингдек, Халқаро валюта жамғармасининг 2015 йилдаги миссияси ҳам юртимиз банк тизими барқарорлик, изчил капиталлашув ҳамда юқори ликвидлик даражасини сақлаб қолаётганлигини алоҳида таъкидлади. Жаҳон банкининг «Бизнес юритиш» рейтингига кўра эса, Ўзбекистон «Кичик бизнес субъектларига кредит бериш» деб номланувчи кўрсаткич бўйича сўнгги уч йилда 154-ўриндан 42-ўринга кўтарилди ва ўтган йилнинг ўзида рейтингини 63 поғона яхшилади.**

**Шу билан бирга, 2015 йили АҚШнинг «Global Finance» журнали томонидан дунё марказий банклари орасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки алоҳида эътироф этилгани ҳам бежиз эмас.**

**Бундай ижобий фикрлар мамлакатимизда фаолият юритаётган турли ташкилот ҳамда муассасалар томонидан ҳам билдирилаётгани, айниқса, диққатга сазовор. Жумладан, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази бир неча йилдан буён жамият ривожида банкларнинг ўрни нечоғли аҳамият касб этаётганини аниқлаш мақсадида сўровлар ўтказиб келаяпти ва унга аҳоли ҳамда тадбиркорлар фаол жалб қилинмоқда. Тадқиқотлар натижалари эса оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилаётир.**




## ИЖТИМОИЙ ФИКР:

# Ўзбекистон мустаҳкам ва ишончли банк тизимига эга

Реклама ўрнида

### ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАРГА МУНОСИБ БАҲО

Яқинда марказимиз томонидан юртимиз банк тизимининг 2016 йил биринчи чорагидаги фаолиятига бағишланган навбатдаги сўров ўтказилиб, унда республикамизнинг барча ҳудудидан реал сектор корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари, ёшлар ҳамда хотин-қизлар қатнашди. Респондентларни танлашда тадбиркорликнинг барча йўналиши — оилавий бизнес, деҳқон ва фермер хўжаликлари, якка тартибдаги тадбиркорлар, кичик корхона ҳамда микрофирмалар қамраб олинди. Натижада, «Юртимиз банк тизимида тадбиркорлик субъектларига яратиб берилаётган қулай шарт-шароитларни қандай баҳолайсиз?» деган дастлабки саволга қатнашчиларнинг 98,5 фоизи ижобий фикр билдирди.

Сўровларни ўтказиш жараёнида, шунингдек, «Ҳудудлардаги қайси тижорат банкларининг фаолияти эътирофга лойиқ?» деган саволга «Агробанк», Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Халқ банки, «Ўзсаноатқурилишбанк», «Микрокредитбанк», «Қишлоқ қурилиш банк», «Ипак йўли» банки, «Азия альянс банк», «Ипотека-банк», »Ориент финанс банк» ва »Трастбанк» филиаллари ҳудудларда кўпроқ эътиборга молик» деган жавоб олинди.

Мазкур сўровлар жараёнида «Ушбу банкларнинг фаолиятига қандай баҳо берасиз?» деган саволга 97,9 фоиз иштирокчи ижобий баҳо берди. Бунда Бухоро, Андижон, Қашқадарё, Фарғона, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Наманган вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги тадбиркорлар фаол қатнашгани, айниқса, эътиборга лойиқдир.

«2016 йилнинг I чорагида банклар томонидан кўрсатилган хизмат турларидан мамнунмисиз?» деган саволга эса респондентларнинг 98,8 фоизи «Қулай ва осон янги хизмат турлари жорий этилган, маслаҳат бериш ҳамда муаммоларни ечишда тезкор ёрдам кўрсатилади», «Омонатларни сақлаш бўйича барча ишлар ўз вақтида бажарилади», «Белгиланган тартибга тўла амал қилинади, қонунбузилишларига йўл қўйилмайди» каби жавобларни беришди.

### МИЖОЗ БАНК УЧУН ЭМАС, БАНК МИЖОЗ УЧУН

Сўров давомида ўртага ташланган масалалардан яна бири кредитдан самарали фойдаланганлик даражасини аниқлаш эди. Яъни, тадбиркорларга ўз фаолияти давомида тижорат банклари сармояларидан фойдаланиб, қандай натижага эришгани хусусида берилган саволга 98,5 фоиз респондент ижобий фикр билдирди.

Мисол учун, Миллий банк томонидан Нукус шаҳридаги «Титан ДСЗ» масъулияти чекланган жамиятига шағал ва тош майдалагич технологиясини сотиб олиши учун 1,3 млрд. сўм маблағ ажратилгач, бу ерда 2,3 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, «Жомбой жавоҳири» МЧЖга берилган 7,2 млрд. сўм миқдоридаги кредит эвазига 1 млрд. сўмликдан зиёд маҳсулот буюртмачиларга етказиб берилган. Худди шундай кўрсаткичларни «Ўзсаноатқурилишбанк» мижози — "Elite stars textile» корхонаси, «Ипотека-банк» ҳамкори — «Ангрен РАСК» акциядорлик жамияти фаолиятида ҳам кузатиш мумкин.




Сўровда иштирок этганлар тижорат банклари ажратаётган микрокредитлар аҳамиятини ҳам алоҳида қайд этишди. Яъни, уларнинг 98,7 фоизи «Микрокредитлар аҳолига қулайликлар яратиб, қишлоқ жойларда ёшларни иш билан таъминлашда муҳим омил бўлаяпти», деган жавобни кўрсатишди.

Қатнашчиларнинг 97,7 фоизидан «Микрокредитлар жойларда, айниқса, чекка қишлоқ ҳудудларида тадбиркорликни ривожлантиришга керак бўлган бошланғич сармояни шакллантиришга замин яратмоқда», 97,9 фоизидан «Ишбилармонлик билан шуғулланмоқчи бўлган касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг жамиятда муносиб ўрин эгаллашида бош омил бўлмоқда» каби жавоблар олинди.

Шунингдек, «Банкдан кредит олиш имконияти ҳамда кредит олишга қўйилган талабларга қандай баҳо берасиз?» саволига уларнинг 98,9 фоизи «Кредитлаш тартиблари тадбиркор учун жуда қулай ишлаб чиқилган, шунинг учун қисқа муддат ичида маблағ олиб, мустақил бизнесни бошлаш имконияти юқори», деган тўхтамга келганлиги ҳам қувонарлидир.

Бундан ташқари, «Банкда ташкил этилган «Тадбиркорлар хонаси» талаб даражасидами?» деган саволга 98,9 фоиз респондент ижобий баҳо берган бўлса, "Банк тизимидаги "Ишонч телефонлари»нинг ишлаши сизни қониқтирадими?» саволига 98,3 фоиз қатнашчи томонидан ижобий фикр билдирилган.

Шу билан бирга, «Кредит олишда ўрнатилган фоиз ставкалари сизни қониқтирадими?» деган саволга иштирокчиларнинг 98,6 фоизи «Банкларда ўрнатилган фоиз ставкалари тадбиркор учун мақбул даражада», деб жавоб қайтаришди.

*— Юртимизда банкларнинг барқарор фаолият кўрсатаётгани аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди «Surxondaryo savdo impeks» акциядорлик жамияти директори Боймурод Тўхлиев. — Масалан, биз «Трастбанк»нинг Термиз филиалига мурожаат қилиб, қисқа фурсат ичида 350 млн. сўмлик кредит олгандик. Ушбу сармояга Хитойдан вафли ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий технологияни келтирдик.*

*Айни пайтда корхонамиз тўлиқ қувват билан ишлаяпти. Аҳоли дастурхонига кунига ўн икки турдаги икки тонна вафли етказиб бераяпмиз. Даромадимиз ҳам чакки эмас. Келгусида мазкур банк кўмагида янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишни режалаштирганмиз.*

Яна бир эътиборли жиҳати, тадқиқот натижаларидан тижорат банкларида пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилиш ва уларнинг ижросини таъминлаш борасида кўрсатилаётган хизматлар сифати ҳам тобора яхшиланиб бораётгани маълум бўлди. Ушбу йўналишдаги ишлардан респондентларнинг 97,8 фоизи мамнун эканлиги бунинг яққол тасдиғидир.

### БАНКЛАР — ЁШЛАРНИНГ КЎМАКЧИСИ

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, хусусан, жамиятда навқирон авлод фаоллигини юксалтириш банк тизимининг доимий диққат-эътиборида турибди. Буни биргина кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида навқирон авлод вакилларининг сафи тобора кенгайиб бораётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Чунки республикамиздаги ҳар бир касб-ҳунар коллежига тижорат банкларининг бошқарма ёки филиаллари раҳбар-ходимлари бириктирилган бўлиб, улар ёшлар ўртасида тадбиркорликни йўлга қўйиш, банк хизматларини кўрсатиш, кредитлар ажратиш тартибларини тушунтириш мақсадида мунтазам учрашувлар ўтказишмоқда.

Марказимиз ходимлари томонидан касб-ҳунар коллежларида банклар томонидан олиб борилаётган ана шундай ислоҳотлар юзасидан сўров ўтказилганида, унда қатнашган ёш тадбиркорларнинг 98,5 фоизи «Банкларнинг имтиёзли кредитлари биз, ёшларга имкониятлар эшигини очмоқда, уларнинг ёрдами билан мулкдор бўлиб, жамиятда ўз ўрнимизни топаяпмиз, шунинг учун банкларнинг хизматидан кўнглимиз тўқ», деган жавобни берди.

### ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Айтиш жоизки, юртимизда жорий йилнинг Президентимиз таклифи билан «Соғлом она ва бола йили» деб номланиши ҳамда шу асосда Давлат дастурининг қабул қилиниши иқтисодиётимиз равнақида муҳим аҳамият касб этмоқда. Негаки, мазкур Дастурда банк тизими олдига ҳам муҳим вазифалар қўйилди. Чунончи, тижорат банклари томонидан ҳудудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, аёллар тадбиркорлиги, оилавий бизнес ҳамда ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлаш, ёшларни ишбилармонликка кенг жалб қилиш мақсадлари учун жами 2 трлн. сўмга яқин кредитлар ажратилиши белгиланган.

Марказимиз шуларни инобатга олган ҳолда, иштирокчиларга ушбу йўналишда ҳам бир нечта саволлар билан мурожаат қилган эди. Натижада ижтимоий сўров қатнашчиларининг 98,9 фоизи «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида банк тизими олдига қўйилган устувор вазифалар изчил амалга оширилиб келинаётганини таъкидлашди.

> **Сўнгги йилларда жаҳоннинг «Standart & Poor's», «Fitch Ratings» ва «Moody's» сингари нуфузли халқаро рейтинг агентликлари Ўзбекистон банк тизими фаолиятини «Барқарор» даражасида баҳолаяпти.**

### ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАР ЭЪТИРОФИ

Сўров жараёнида, шунингдек, хорижлик инвесторларнинг фикрларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Яъни, унда иштирок этганларнинг 98,8 фоизи банкларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаган.

*— Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакати, — дейди «Ko-Ung Cylinder» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси раҳбари Жанг Жаи Гук. — Банкларингиз томонидан кўрсатилаётган сифатли ҳамда тезкор хизматлар биз каби тадбиркорлар ишига барака бағишламоқда. Мисол учун, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида автомобиллар учун газ баллонлари ишлаб чиқаришга доир лойиҳамизни амалга оширишда банкнинг 5,4 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредитидан фойдаландик. Ушбу маблағ эвазига замонавий технологияни олиб келиб ўрнатдик. Бунинг ҳисобига 112 нафар ёш мутахассисни иш билан таъминладик.*

*Бу банкларда барча учун қулай шарт-шароитлар яратилгани шарофатидир. Бунинг учун давлатингиз раҳбари ва ҳукуматингизга ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.*

### МИНИБАНКЛАР АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

2016 йил 1 январ ҳолатига кўра, республикамизда 26 та тижорат банки фаолият юритаётган бўлса, шундан 7 таси хусусий, 5 таси чет эл капитали иштирокидаги молия муассасасидир. Ҳудудларда эса уларнинг 854 та филиали ишлаб турибди.

Айтиш жоизки, тижорат банкларининг 2 минг 221 минибанки ҳамда махсус кассаси олис қишлоқларда жойлаштирилгани молиявий хизматлардан ўша ҳудудларда яшовчи аҳолининг фойдаланиш имкониятини ошираяпти.

Ўтказилган сўров натижаларига кўра, «Минибанкларнинг ишлаш жараёнини қандай баҳолайсиз?» саволига респондентларнинг 98,7 фоизи "Минибанклар фаолиятимиз ривожида муҳим аҳамият касб этаяпти, улар талабга тўлиқ жавоб беради», деган ижобий фикрни билдиргани бунинг тасдиғидир.

### ПЛАСТИК КАРТОЧКА — КАФОЛАТЛИ ТЎЛОВ ВОСИТАСИ

Бугунги кунда бутун дунёда оммалашган пластик карточкалар билан товар ҳамда кўрсатилган хизматлар учун ҳақ олиш усули мамлакатимизда ҳам тобора ривожланмоқда. Аниқроғи, пластик карточкалардан фойдаланиш халқимиз турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланиб улгурди.

Президентимизнинг «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Ижтимоий сўров жараёнида одамларнинг мазкур йўналишдаги ишларга бўлган муносабатини билишга ҳам ҳаракат қилинди. Пировардида респондентларнинг 98,9 фоизи «Пластик карточка — жуда қулай, хавфсиз ва ишончли тўлов воситаси», деган фикрда эканлиги аён бўлди.

*— Банк пластик карточкасидан мунтазам фойдаланаман, — дейди Тошкент радиотехника коллежи ўқитувчиси Бекзод Давлатов. — Сабаби, ҳозирги кунда барча савдо шохобчаси тўлов терминаллари билан таъминланган бўлиб, улар узлуксиз ишлаб турибди. Ҳатто, деҳқон бозорларимизда ҳам терминаллар мавжудлигини айтмайсизми?! Бу, албатта, аҳоли учун жуда катта қулайликдир.*

Пластик карточканинг яна бир афзал томони шундаки, эндиликда ундаги қолдиқ суммага бир йилда камида 9 фоиз миқдорида даромад ҳисобланаяпти. Шунингдек, карточкадаги маблағларни омонат сифатида жамғариб бориш ҳам мумкин.

### КРЕДИТЛАР — ШАХСИЙ ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАРГА

Таъкидланганидек, банк кредитлари иқтисодиётнинг барча тармоғи, шу жумладан, томорқа хўжалигини ривожлантиришда ҳам қўл келмоқда. Бу ўтказилган сўров натижаларида ўз тасдиғини топди. Респондентларнинг 97,6 фоизи ўз жавобида «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш мақсадида тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларига ажратилаётган имтиёзли кредитлар аҳолига қулай шарт-шароитлар яратаётганини» қайд этди.

Уларнинг фикрига кўра, ушбу кредитлар нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш, балки бозорларда файзу барака ва нархлар барқарорлигини таъминлашга ҳам хизмат қилаяпти.

### АЙЛАНМА МАБЛАҒ — КОРХОНАГА МАДАД

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида банк тизими олдига иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини айланма маблағлар билан таъминлаш юзасидан бир қатор вазифалар белгилаб берилган эди. Эътиборлиси, ўтган вақт мобайнида молия муассасалари томонидан бу борада муайян ишлар амалга оширилиб, сезиларли ютуқларга эришилаётир.

Буни ўтказилган ижтимоий сўров жараёнида айнан шундай корхоналар вакиллари ҳам тасдиқлашди. Унда 98,5 фоиз респондент «Банклар томонидан корхоналарга айланма маблағлар ўз вақтида ажратилмоқда, улар ҳар бир корхонага яқин ва ишончли ҳамкор бўлиб хизмат кўрсатмоқда», дея ижобий фикр билдирди.

— Корхонамизда ўтган даврда 3 турдаги калава ип ишлаб чиқарилиб, асосий қисми экспортга йўналтирилди, — дейди «Jizzax kenteks» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Мўмин Сиддиқов. — Бунда бизга банк томонидан айнан айланма маблағ учун ўз вақтида сармоя ажратилгани қўл келди. Энг муҳими, кредит олишда ҳеч қандай муаммо йўқ. Банкларимизда ресурс етарли. Шу боис биз, ишбилармонларни доимий қўллаб-қувватлаб келаётган банклар мутасаддиларига миннатдорлигимизни билдирамиз. Ўз навбатида, биз ҳам юртимиз экспорт салоҳияти мустаҳкамланишига муносиб ҳиссамизни қўшаверамиз.

### АМАЛИЙ УЧРАШУВЛАР НАТИЖАЛАРИ

Чорак якуни бўйича ўтказилган ижтимоий сўровда давлатимиз раҳбарининг тадбиркорликни ривожлантириш борасида қабул қилинган Фармон ҳамда қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш мақсадида республика Марказий банки, Бош прокуратура, Савдо-саноат палатаси ҳамда Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилаётган учрашувлар юқори натижа бераётгани маълум бўлди. Эътиборлиси, респондентларнинг 98,9 фоизи бундай тадбирларни кўпроқ ўтказиш таклифини билдирди.

Уларнинг 97,3 фоизи тижорат банклари томонидан олис ҳудудларга йўналтирилаётган имтиёзли кредитлар жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда, айниқса, оилавий тадбиркорлар сонини кўпайтириш ҳисобига қўшимча иш ўринлари ташкил этишда катта ёрдам бераётганини таъкидлаган.

Бундан ташқари, ҳудудлар саноат салоҳиятини кучайтириш ҳамда инвестиция дастурларига киритилган лойиҳалар рўёбида банклар томонидан ажратилаётган кредитлар яхши самара бераётганини респондентларнинг 97,8 фоизи қайд этиб, бунда кредит олиш тартиби соддалаштирилганини алоҳида таъкидлаган.

«Банк тизими томонидан 2016 йилнинг I чорагида амалга оширилган ислоҳотларга қандай баҳо берасиз?» деган якуний савол доирасида респондентларнинг 98,8 фоизи юртимиз банк тизими томонидан олиб борилаётган ислоҳотларни тўлиқ қўллаб-қувватлашини билдирган.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўровлар натижаси жорий йилнинг биринчи чорагида юртимиз банкларида ёшларга оид давлат сиёсати, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури, ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастурлари доирасидаги устувор вазифалар ижроси ўз вақтида ҳамда сифатли ижро этилаётганлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси банк тизими томонидан амалга оширилаётган бу каби ҳаётбахш ислоҳотлар эса, тадбиркорликни янада ривожлантириш орқали халқимиз фаровонлиги ва иқтисодиётимиз салоҳиятини бундан-да юксалтиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётгани билан, айниқса, аҳамиятлидир.

**«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази.**

*Хизматлар лицензияланган*

Банк ва мижоз

# Қулай имкониятлар — муваффақият гарови



XALQ BANKI

Реклама ўрнида

**Халқаро йирик молиявий ташкилотлар юртимизда юз бераётган ўзгаришларга катта қизиқиш билан қарамоқда. Иқтисодиётнинг жадал ривожланиш босқичига кўтарилгани, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни хорижга экспорт қилишда хусусий сектор улушининг сезиларли даражада ошиб бораётгани, чет эллик сармоядорларга яратилган имкониятлар уларнинг Ўзбекистон бозорига қизиқишини тобора оширмоқда.**

Дарҳақиқат, кичик бизнес — ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминловчи етакчи куч. Бош Қомусимизнинг 36-моддасида ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли экани белгилаб қўйилган бўлиб, соҳани ривожлантиришга қаратилган қатор қонун ва қарорлар туфайли хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес тобора тараққий этиб бормоқда.

Эътирофга молик муҳим бир жиҳат, бу ишбилармон, тадбиркорлар бугун юрт равнақи, аҳоли фаровонлигини ошириш, қишлоқлар инфратузилмасини яхшилаш ҳамда ички ва ташқи бозорга сифатли саноат маҳсулотлари етказиб бериш, янги иш ўринлари яратишда жонбозлик кўрсатаётганидир.

Соҳага берилаётган енгилликлар, жорий қилинаётган истиқболли лойиҳалар кичик бизнеснинг янада ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бундай эзгу ва хайрли ишларни амалга оширишда тадбиркорларнинг молиявий мададкорига айланган АТ "Халқ банки"нинг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Ҳудудларда банкнинг **197 та** филиали, **30 та** минибанки, **700 та** махсус касса, **204 та** коммунал касса, **200 та** жамғарма касса, **174 та** халқаро пул ўтказмалари шохобчалари орқали мижозларга сифатли банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

АТ "Халқ банки" томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони қарийб **3 млн. дона,** пластик карталардан тўловларни қабул қилиш учун ўрнатилган терминаллар эса **26,7 минг донани** ташкил этмоқда.

Буни рақам ва далиллар воситасида ифода этадиган бўлсак, банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 2016 йилнинг биринчи чораги давомида **284,6 млрд. сўм** кредит ажратилди ва бунинг эвазига республика бўйича **1 739 та** қўшимча иш ўрни яратилди.

Банк филиаллари томонидан 2016 йилнинг биринчи чораги мобайнида берилган микрокредитлар ҳажми **125,2 млрд. сўмдан** иборат бўлиб, бунинг самараси ўлароқ **702 та** янги иш ўрни ташкил этилди.

Мамлакатимизда хотин-қизлар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга амалий ёрдам бериш ва тадбиркорликка кенг жалб этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Банк томонидан аёллар тақдим этган бизнес-лойиҳаларни молиялаштириш учун **32,5 млрд. сўмлик** сармоя йўналтирилди. Ушбу молиявий кўмак ҳисобига **222 та** иш ўрни яратилди.

Яратилаётган улкан имкониятлар юртимизда оилавий тадбиркорликнинг кенг тараққий этишига туртки бўлмоқда. Жумладан, банк томонидан оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ажратилган кредитлар қиймати **13,5 млрд.** сўмни ташкил этди. Бунинг ҳисобига 120 та иш ўрни ташкил этилди.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги Қарорига асосан 221 та тадбиркорга **61,7 млрд.** сўмлик кредитлар ажратилиб, **309 та** янги иш ўрни яратилишига бевосита ҳисса қўшилди.



Ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, уларга молиявий мададкор бўлиш борасидаги ишлар ҳам таҳсинга лойиқ. Жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга **1,8 млрд. сўмлик** кредитлар ажратилди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга азми қарор қилган 216 нафар тадбиркорга **65,9 млрд. сўм** кредит ажратилиши натижасида **212 та** янги иш ўрни барпо этилди.

Халқ банки томонидан ажратилаётган кредитлар эвазига кўплаб ишлаб чиқариш объектлари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари жадал ривожланаётир, энг муҳими, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

## БАНК КРЕДИТИ АСҚОТДИ

— Мамлакатимизда тадбиркорлар учун барча қулайликлар мавжуд бўлиб, банклар томонидан берилаётган кўмак коримизга яраётир. Буни ўзим мисолимда ҳам тасдиқлашим мумкин. Мен ишга туширмоқчи бўлган ғишт заводи янгича ёндашувни тақозо қилгани учун Халқ банки ходимларига лойиҳамни тақдим этдим. Банкнинг қўллаб-қувватлаши туфайли ишларим юришиб кетди, — дейди Хоразм вилояти Урганч туманида истиқомат қилувчи тадбиркор Саъдулла Жуманиёзов. — Биз биринчи навбатда ишни эскича ускуналардан воз кечиб, кам энергия сарфлаб, кўпроқ иш бажарадиган технологиялар сотиб олишдан бошладик. Банк ажратган кредит эвазига хориждан энг замонавий ускуналарни олиб келиб ўрнатдик. Ҳозир бу ерда 50 нафар ходим иш билан таъминланган. Бир кунда 30-35 мингтадан ортиқ пишиқ ғишт ишлаб чиқар- япмиз. Келгусида яна ўттизга яқин иш ўрни яратиб, завод фаолиятини кенгайтириш ниятидамиз. Тадбиркор сифатида халқимиз, маҳалладошларимизнинг турмуш фаровонлиги ошишида озми-кўпми ҳиссам борлигидан мамнунман.

## ОРЗУИМ РЎЁБГА ЧИҚДИ

— Бугун ёшлар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, касб-ҳунар коллежи битирувчиларига ажратилган кредитлар ҳажми кундан-кунга ошиб бормоқда, — дейди Беруний туманида истиқомат қилувчи тадбиркор Шаҳноза Худойбергенова. — Айтишим жоизки, педагогика коллежида ўқиб юрган кезларимда банк ходимлари иштирокида ўтказиладиган семинар ва учрашувлар тадбиркорликка бўлган қизиқишимни ошириб юборди. Тенгдошларим эришаётган муваффақиятлардан илҳомланиб, тадбиркорлик билан шуғулланишга аҳд қилдим. Ғоям оила аъзоларимга ҳам маъқул бўлди. Улар менга кўмакчи бўлишларини билдиришди. Шундан сўнг кредит олиш мақсадида Халқ банкининг Беруний филиалига бизнес лойиҳамни тақдим этдим. Банк филиали ходимлари лойиҳамни маъқуллашди ва менга зарур кредит маблағи ажратилишида амалий ёрдам беришди. Олинган кредит маблағини чорвачиликни ривожлантиришга йўналтирдим.

Бошлаган ишим билан мамлакатимиз тараққиётига, халқимиз фаровонлигига ҳисса қўшиш, иш ўринларини кўпайтиришни ният қилганман.

## ФАРОВОНЛИК САРИ КЕНГ ЙЎЛ

— Мен эндигина ўз бизнес-режамни амалга ошириш арафасидаман. Лойиҳамни Халқ банки ходимларига тақдим этганимдан сўнг, олдимга қўйган мақсадларимни амалга ошириш иштиёқи янада ошди, — дейди Уйчи туманида истиқомат қилувчи тадбиркор Икромиддин Зоҳидов. — Ҳар қандай бизнес, аввало, пухта ўйланган режа асосида амалга оширилади. Қолаверса, ҳақиқий тадбиркор халқ манфаатларидан келиб чиқиб иш тутади. Бунда, албатта, ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган қонун ҳужжатларига таяниш талаб этилади.

Банк томонидан ажратилган маблағ ҳисобига хориждан 200 га яқин наслдор қорамолларни олиб келиб, аҳолига сифатли сут ва гўшт маҳсулотларини етказиб беришни мақсад қилганман. Бунда камида 10 нафар иш ўрни яратилади. Шу билан бирга, ишлаб чиқарадиган маҳсулотларимизни ички бозоримизда аҳолига қулай нархларда сотиш учун савдо растасини очишни режалаштирганмиз.

Келгусида Халқ банки кўмагида замонавий технологияларни сотиб олиб, 30 турдан ортиқ гўшт-сут маҳсулотларини хорижга экспорт қилишни мўлжаллаганмиз.

## ЭЗГУ ИШЛАР МАДАДКОРИ

— Кексаларимиз яхши билишади, мустақилликка эришишимиздан аввал озиқ-овқат, айниқса, қандолат маҳсулотларининг сифати мақтагулик даражада эмас эди. Чунки ўзимизда соҳага оид ишлаб чиқарадиган технологиялари деярли йўқ эди, — дейди самарқандлик тадбиркор Нуриддин Абдусамадов. — Шулар ҳақида ўйлар эканман, фаолият юритаётган ишимдан фахрланиб кетаман. Ўтган йили Халқ банкидан қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида кредит олдим. Мавжуд технологияларимиз газ ва иссиқлик энергиясини юқори даражада тежашга мослаштирилганлиги боис фойда олиш имконияти янада ортди.

Маҳсулотларимизни имкон қадар арзонлаштирилган нархларда сотамиз. Бу шубҳасиз рақобатбардошликни таъминлаб, ишлаб чиқариш сифатини янада оширишга хизмат қилади. Бундан ҳам мижоз, ҳам ишлаб чиқарувчи манфаат кўради. Ҳозирда харидорларга ўнга яқин ширинлик турлари тавсия этилмоқда. Корхонамизнинг ишга туширилиши ҳудудимиздаги 9 кишини доимий иш билан таъминлаш имконини яратди.

Банк билан ҳамкорликни бундан кейин ҳам давом эттириб, фаолиятимизни кенгайтириш, маҳсулотлар тури ва янги иш ўринларини кўпайтиришни режалаштирганмиз.

Халқ банки тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга бериладиган кредитлар салмоғини янада оширишни мақсад қилган. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, фуқароларимизнинг фаровон ҳаёт кечириши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Банк материаллари асосида Ж.ЭРГАШЕВ тайёрлади.**

*Хизматлар лицензияланган*



ЎзА суратлари




## Футбол — бошоғриқ ўйин

*Англия футбол ассоциацияси ФИФАдан собиқ футболчиларнинг ақли заифлашиб қолишига футбол сабаб бўлиши мумкинлиги борасида тадқиқот олиб боришда ёрдам сўради. Бу ҳақда The Independent хабар тарқатди.*



Бундай ғаройиб таклиф билан чиққан FA тиббий бўлими бошлиғи доктор Йен Бисли ўйинчиларнинг келгуси ҳаётига хавф солиши мумкин бўлган касаллик бўйича изланиш олиб бормоқда.

— Бу жуда муҳим. Футбол туфайли инсонда ақлий заифлик юзага келиши мумкинлиги ёки ҳеч қандай хатар йўқлиги хусусида аниқ тушунча бўлиши керак. Одатда бундай касалликлар бош билан тўқнашувлар пайтида, мия чайқалиши натижасида юзага келади, — дейди шифокор.

Англияда бу масала биринчи марта кўтарилаётгани йўқ. Бундан олдинроқ, 1966 йилда терма жамоа билан Жаҳон чемпионатида зафар қучган уч нафар футболчи Алцгеймер хасталигига чалинганида ҳам шунга ўхшаш шов-шув кўтарилганди. Шунингдек, терма жамоа собиқ футболчиси Жефф Эстла бошига кўп бора зарба қабул қилгани оқибатида 2002 йилда вафот этгани ҳам масалага чуқурроқ ёндашишга ундамоқда.

## «Ақлли» велосипед

*SpeedX номи билан машҳур Beast Cycling компанияси Kickstarterда 1200 АҚШ долларига буюртма бериш мумкин бўлган Leopard «ақлли» велосипедини тақдим этди. Бу борада hi-tech.mail.ru хабар бермоқда.*



SpeedX Leopard бошқалардан юқори сифатли компонентлари, жумладан, Shimano 105 трансмиссияси, TRP тормозлари ва турли датчиклар тўплами билан ажралиб туради.

Углеродли рамка ишлатилганлиги боис велосипеднинг оғирлиги бор-йўғи 7,9 кг. ни ташкил этади. Ишлаб чиқарувчиларнинг таъкидлашича, у ҳақиқий Lamborghini автомобилини кўтара олади. Буни эса махсус ролик орқали кузатиш мумкин.

SpeedX Leopard «ақлли» велосипеди вақтни ва сафар масофаси, айланиш вақти, тезлик, педал айланиш частотасини назорат қила олади. Шунингдек, у GPS бўйича манзил, баландлик, об-ҳаво ва юрак ритмини монитор қилиш орқали ҳам текшира олади. Тормозларда орқа қисм ёруғлиги, корпусида эса GoPro ёки бошқа экшен камера жойлашган.

Дастурчилар томонидан Kickstarterда 50 минг АҚШ доллари йиғиш режалаштирилган эди. Бироқ тўпланган маблағ ўн баравардан ҳам ошиб кетди.

## Сифатсиз маҳсулотга йўл йўқ

*Япон олимлари сифатсиз маҳсулотларни аниқлаб берувчи бир сантиметрли шаффоф тасма кашф қилишди. Бу ҳақда lenta.ru хабар тарқатди.*



Электр токи ўтказилган материал бириктирилган сезувчан тасма бактериялар аминокислоталарни кўпайтиришни бошлаётганларидаёқ гистаминларни фош қила бошлайди. Бу модданинг озгина миқдори ҳам овқатдан заҳарланиш учун етарлидир.

Олимлар симсиз алоқа учун сенсорга микроэлектрон қўшимча киритиш ҳаракатида. Шунингдек, уни смартфонларга улаш устида иш олиб борилмоқда.

Бу ихтиронинг ихчамлигини ҳисобга олган ҳолда, тадқиқотчилар яқин орада унинг тижорий нусхасини яратишга умид қилишмоқда.

## Сув йиғувчи шиша

*Саёҳат пайтида ичимлик суви захирасига эга бўлиш жуда муҳим ҳисобланади. Кристоф Ретезар ҳаво ва ёруғликдан сув олишга имкон берувчи Fontus Airo ва Fontus Ryde шишаларини тақдим этди. Натижада, саёҳатларга оғир ва кўп жой эгаллайдиган идишларни олиб юриш шарт бўлмайди. Бу ҳақда ТАСС хабар бермоқда.*



Fontus Airo ва Fontus Ryde шишалари велосипед ва пиёда саёҳатларига ҳам мўлжалланган. Ҳаво шиша қопқоғининг ичида совутилади, махсус қатлам устида конденсация қилинади ва филтрланиб сув учун асосий сиғимга жойлаштирилади.

Fontus Airo махсус қуёш батареяси ёрдамида ишлайди ва бу батареядан қоплама сифатида фойдаланилади. Fontus Ryde русумидаги шиша эса велосипед ромига маҳкамланади ва ҳаракат давомида ҳаводан сув йиғиб кетаверади. Шишанинг пастки қисмида махсус капсулалар жойлашган бўлиб, улар сувнинг минерализациялаш жараёнига жавоб беради. Шундай қилиб, ҳар доим янги минерал сувдан фойдаланиш имконияти юзага келади.

Fontus Airo ва Fontus Ryde шишаларига Indiegogo сайти орқали 165-200 АҚШ долларига буюртма бериш мумкин.

**Интернет материаллари асосида А.АРСЛОНОВ тайёрлади.**

«Ishonch» газетасининг 2016 йил 9 апрел № 43-сонида Сирдарё вилояти ҳокимлиги қурилиш бўйича «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясининг буюртмасига асосан Лот 23-1 ва Лот 23-2 объектларига берилган эълон бекор қилинади.

Газетанинг навбатдаги сони 16 апрел, шанба куни чиқади.

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir:
Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (*bosh muharrir o'rinbosari*), Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 313-86-87
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:
A.Abdullayev
Navbatchi:
A.Arslonov
Musahhih:
S.Haydarov
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — 20:00
Topshirildi — 20:20

1 2 3 4 5

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma Г — 415.
21090 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133